

**ОМОН МУХТОРНИНГ “АЁЛЛАР МАМАЛАКАТИ ВА САЛТАНАТИ”
РОМАНИДА ФОЛЬКЛОРИЗМДАН ФОЙДАЛАНИШ МАХОРАТИ**

Ниёзова Мастура Махаммаджоновна

олий малака тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Наманган вилояти Тўракўргон тумани 53-мактаб

Маколада Омон Мухторнинг “Аёллар мамлакати ва салтанати” романидаги ёзувчи томонидан кўлланилган фольклоризмлар моҳирона ва табиий ифодаланганлигини турли далиллар оркали исботланади. Бу асарда инсоннинг ҳаёти тафаккури ва шахсиятига турли томондан ёндашилади. Ушбу китобни ўқиган кишида худди эртак ўқигандек таассурот колади. Омон Мухтор романлари сюжет тузилиши ифода тарзи жихатидан янгича эканлигини унда ишлатилган фольклоризмлар оркали кўрамиз. Бу оркали ўзбек фольклоризмлари нечоғлик бадиий кимматга эга эканлигини якиндан билиб оламиз.

1. Аёл зотига хос ҳислатлар
2. Аёл калбининг, аёл тафаккурининг сир-у синоатлари
3. Аёл деб аталмиш ҳилкат
4. Аёл меҳри, муҳаббати, садокати
5. Алвости аёл кўринишида тасаввур килинади
6. Аёл беихтиёр ҳаёт зарбаси туфайли алвостига айланади.

Ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург Омон Мухторнинг ”Аёллар мамлакати ва салтанати” деб номланган романида инсоннинг ҳаёти тафаккури ва шахсиятига турли томондан ёндашилади. Адид бу асарида халк оғзаки ижодининг намуналаридан кенг фойдаланган. Хусусан халк достони макол эртак ва ривоятлардан ўз бадиий ниятини амалга оширишда фойдаланган. Ёзувчи асарда аёлларни “Алвости,” “Оддий аёл”, “Фаришта” деб таърифлайди. Мифологик карашлардан ўз бадиий ниятини амалга ошириш ва тасвирлашда хар бир адабнинг ўзига хос усули мавжуд. Омон Мухтор

асарларида мифологизмнинг ранг баранг кўринишлари ва жанрларини учратиш мумкин. Асар қаҳрамони аёлларни фариштами алвастими ёки оддий аёл эканликларини билолмай боши котади. Асар сўнгига кадар манашу муоммони ечишга уринади. Асар қаҳрамони охири тушуниб етадики аёлга ёмон гапирсанг у “алвости,” яхши гапирсанг “оддий аёл,” унданда чиройли сўзлассанг ардоклассанг у аёл беихтиёр “фаришта”га айланади. Ўйлаб карасак ҳакикатдан ҳам аёллар яхши сўзнинг гадоси эътиборнинг шайдосидир. Романда аёл зотининг ўзига хос руҳий дунёсининг, аёл калбининг, аёл тафаккурининг сиру- синоатларини саркалам килишни , унинг руҳий олами тафаккур тарзини атрофлича ёритиши ўз олдига максад килиб кўйган адаб ўзининг бадиий ниятини тўла амалга ошириш учун мифологик образлар талкинини сингдириб юборади. Чунки биринчидан асар сюжетини Фаришта ёки Алвастининг мифологик образи тўлдиради. Шу билан бирга асарда тасвирланган воқеалар ҳаётда бўлиши мумкин бўлган ёки инсон хаёлотида содир бўладиган ҳолатлар эканлигига ўкувчини тўла ишонтириш учун халк достонлари ёки халк эртакларини сингдиради. Ёзувчи асар қаҳрамонининг руҳий оламини ёритища ўзбек мифологиясининг бир катор анъанавий персанажлари: пари, алвости, жин, дев образлари билан боғлик мифологик тасаввурлардан фойдаланган. Ёзувчи асардаги Олим образи оркали аёл зотига хос ҳислатларнинг турфа шаклларини кўрсатиш натижасида аёлларни уч тоифага булиб талкин килган. Бу тасвир учта сўз оркали катта ҳарфлар билан ифодаланган. Булар: “ Алвости” “Оддий аёл” ва “ Фаришта”. Мифология талкинича, ижобий фазилатларга эга бўлган парилардан фаркли ўларок, алвости- ёвуз кучлар тоифасига кирадиган персонаж саналади. О.А.Халипованинг ёзишича, “алвости” аёл кўринишида тасаввур килинадиган ёвуз мифалогик образ бўлиб, асосан ҳомиладор ва чиллалик аёллар шу билан бирга чакалокларга хавф солар эмиш. У соchlари пахмок, ўзи жуда хунук. сийналари осилиб кетган кари аёл кўринишида тасаввур килинади ва шундай ўйланади. Ўзбекларнинг мифалогик карашлари бўйича, алвости янги туғилган чакалокка ўзининг кўкрагини тутса ўша чакалок нобуд бўлар эмиш.

Бадбашара аёл суратида тасаввур килинувчи бу мифалогик образ баъзи манбаларда “мортув” деб ҳам аталади. Роман каҳрамони Олимнинг ўйлашича, кайси эркак ўз аёлига кўпол муносабатда бўлса, уни оёкости килса ўша аёл беихтиёр ҳаёт зарбаси туфайли алвастига айланади. Мифологик талкинга қўра, фаришта образи инсонларга ўз муносабати ва максади билан фаркланадиган алвастининг ёвуз асотирий тип сифатидаги хусусиятлари каҳрамон юрагида тутён урадиган аёл образининг хусусиятларини кўрсатишга каратилгаган. Фольклорда ёвуз куч тимсоли бўлиб талкин килингани боис адиб каҳрамони “Алвастига йўликкан кишининг хонумони куяди” дейди. Бирок тасвиранган ҳолат жамиятдаги баъзи бир аёлларни ўзига хос хусусиятларига каратилган. Аёл меҳри, муҳаббати, садокати уни фаришта макомига кўтарган бўлса, аёлнинг нафрати ва каҳри, унинг жахлдор киёфаси кўзингизга алвастидек кўриниши мумкин. Каҳрамон оддий инсонларда мавжуд бўладиган жамийки хислатларни учинчи тоифага мансуб аёлларда кўргани боис оддий инсоний туйғулар эгаси яъни ҳаётий аёл ҳакидаги фикрларини ана шу учиничи тоифага мансуб аёллар образида мужассамлаштирилган. Адибнинг аёл зотига бўлган хурмати меҳр-муносабати асарнинг ғоявий йўналишини бошка тарафга етаклайди. Ёзувчи асарда эртак мотивлвридан ўз бадиий ниятини амалга оширишда фойдаланган. Бир подшонинг гўзал кизи турмушга чикиш учун “кирк ёлғон ҳикоя” айтиш шартини кўяди ва “Кимки шартларимни бажарса ўшангта тегаман!”- дейди. Табиийки, бу шартни камбағал лекин жасур йигит бажаради ва маликага уйланиб баҳтли ҳаёт кечиришади. Эртакшунос Ж. Юсуповнинг айтишича, “Кирк ёлғон” эртаги сюжети Энисейдан Кримгача бўлган улкан ҳудудлардаги ахолилар яъни туркий халклар орасида кенг таркалган. Ўзбек фолклорида кенг таркалган эртакдаги машхур сюжетнинг “ёлғон ҳикоя айтиш” шартининг кўйилиши мотивидан унумли фойдаланган адиб, мазкур эртак мотивининг ўзига хос бидиий талкини оркали “инсон деб аталмиш онгли мавжудотга ёлғоннинг нима кераги бор?” деган ғояни кўндаланг кўяди. Асар каҳрамони Олим умри давомида кўп кизларга ёлғон севги изхор килган, кўп кизларни умидвор килган. Бирок

у бирор марта ҳам кизларнинг юрагида уйғотган умидворлари яшиликка олиб келмаслигини ўйлаб ҳам кўрмаган. У канча аёлларни учратса, уларнинг барчаси у ҳаётида учратган аёллар экани уларнинг ўзига нисбатан муносабатлари ҳакида ўйлаб колади. Олим шундагина ёлғоннинг умри киска эканлигини тушуниб етади. Аёл деб аталмиш ҳилкат накадар нозик эканлигини англайди. Миғолоғик карашларини ўз бадиий ниятига сингдиришда ҳар бир адабнинг ўзига хос усули бор. Омон Мухтор асарларида миғолоғизмнинг турли жанрларини ва ранг-баранг қўринишларини учратамиз. Романда тасвирланган бундай воеалар инсон ҳаётининг моҳияти ҳакида ўйлашга, ҳаётнинг моҳиятини бадиий таҳлил этишга якидан ёрдам беради. Ёзувчининг ҳалк оғзаки ижоди яъни фольклорларнинг анъанавий йуналишларидан таъсирланиб романга олиб кирган ранг-баранг тасвирлар асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммал ва тўлаконли чикишини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каюмов О. Пари ҳакидаги ҳалк карашлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 йил 1 сон. 43-45 бет
2. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Тошкент. Маънавият. 2000 йил 59-60 бет
3. Бекназаров К. Ўзбек ҳалк майший эртаклари. Тошкент. 1993 йил. 7-8 бет
4. Пардаева З. Ўзбек романлари поетикаси. Тошкент. А. Кодирий нашриёти. 2003 йил. 39 бет
5. Омон Мухтор. Аёллар мамлакати ва салтанати. Тошкент. 1997 йил. 79 бет